



Pochta indeksi: 100187, Manzil: Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani, Buyuk Ipak yoli ko'chasi, 274-uy, Telefon: (+99871) 208-92-65, Fax: (+99871) 208-92-50,
E-mail: ajeqq@mail.ru, Web: ajeqq.uz, Bank: Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek SQB, H/r: 2021 0000 2001 2498 5001, MFO: 00440, STIR: 200 523 561, IFUT:43210

№ 1-1/51

« 9 » Март 2023 yil

**«Elektrqishloqqurilish» акциядорлик жамияти акциядорларининг
умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА**

«Elektrqishloqqurilish» АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 06 мартдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 04 апрель куни, Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 274 уй бўйича жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносидаги мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 16:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 15:00 дан бошланиб соат 15:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри 2023 йил 29 март ҳолатига тузилади.

Кун тартиби:

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2022 йил молиявий – ҳўжалик фаолияти молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувудан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.
3. “Elektrqishloqqurilish” АЖ ижро органи раҳбарлигига кузатув кенгаши томонидан ўтказилган танлов натижаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 274 уй бўйича жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар иш кунлари соат 11:00 дан 16:00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзили: eqq-2014@mail.ru

Телефон: (+998 71) 208-92-54.

«Elektrqishloqqurilish» АЖ
Бошқарув раиси в.в.б.

Мустафоев М.О.